



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

40 (412) ● 2016 йил 21 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Сайлов — 2016

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Асосий тadbирлар дастури асосида пухта ҳозирлик кўрилатгани таъкидланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилди.

Сайлов округлари рўйхати сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Шунингдек, мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй.
Сайловчилар сони — 1 188 763 киши.
Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Андижон вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 32-уй.
Сайловчилар сони — 1 984 247 киши.
Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Бухоро вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 3-уй.
Сайловчилар сони — 1 265 163 киши.
Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳқўчаси, 70-уй.
Сайловчилар сони — 844 309 киши.
Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — "Фарход" маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси, 58-уй.
Сайловчилар сони — 641 380 киши.
Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй.
Сайловчилар сони — 1 771 067 киши.
Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй.
Сайловчилар сони — 2 373 738 киши.
Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

Марказий сайлов комиссияси Раиси
Тошкент шаҳри,
2016 йил 15 сентябрь

М.Абдусаломов



ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазир Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилатган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 20 сентябрь куни Ангрен шаҳрига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида 2012 йилда ташкил этилган "Ангрен" махсус индустриал зонасида кенг қўламли ишлар, жумладан, 11 йриқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Жорий йилнинг охирига қадар яна 7 ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 28 августдаги қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳасининг амалга оширилиш жараёни билан танишди.

> 2-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ ФОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида Паралимпия ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида муносиб иштироки, жасорат, матонат ва мардлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПК-2558-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидаги спортчилар бирийўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

олтин медаль олгани учун

ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан:

Намозов Шерзод Насимович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Нигматов Уткиржон Исмаилло ўғли — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Тулендибаев Адилжон Ришатович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Норбеков Хусниддин Киличбоевич — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

> 2-бет.

Пленум



Сардор Муллажонов суратлари

Муҳим сиёсий жараёнга ҳозирлик

партия Пленумида ЎзМТДПнинг унда иштироки масаласи муҳокама қилинди

2016 йил 16 сентябрь куни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йигилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Пленумда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбеки-

тон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг иштироки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига "Миллий тикланиш" демократик партиясидан номзод кўрсатиш таклифи ҳамда партиянинг навбатдаги Съездини чақириш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

> 3-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ)
БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ
ЎЙИНЛАРИ ФОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ
ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН
ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Свечников Александр Владимирович — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Каюмова Нозимахон Номонжонова — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Мусабеков Фирдавсбек Улугбек ўғли — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Амилова Фотимахон Равшанбек кизи — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

кумуш медаль олгани учун
хар бири 100 000 АҚШ доллари билан:

Алимова Хайтжон Абдулла кизи — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Бурхонова Сафия Каимовна — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Одилова Муслима Улугбек кизи — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Панков Кирилл Дмитриевич — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

бронза медали олгани учун
хар бири 75 000 АҚШ доллари билан:

Бобоев Шухрат Шоназарович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Саидов Феруз Бешимович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Шарипов Ширин Хомитович — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Салаева Севинч Одамбай кизи — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Рахимова Гулрух Илхамбековна — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Нурметова Турсунпаша Бахрамовна — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

Салиев Дониёр Нурулла ўғли — энгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

Бозоров Ахрор Ботирович — пауэр-лифтинг бўйича терма жамоа аъзоси;

Турсунхўжаев Музаффар Шухратилло ўғли — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Хорлин Дмитрий Сергейевич — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Марказий сайлов комиссиясида

Президентлик сайловида
иштирок этиш учун зарур
ҳужжатлар тақдим этилди

2016 йилнинг 19 сентябрь куни Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этиш мақсадида тегишли ҳужжатларни тақдим этди.

Маълумки, шу йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлиб ўтади. “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида”-ги қонуннинг 24-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар. Бунда сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 24-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани берди.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

ЎЗМТДП Марказий кенгаши Ахборот хизмати

ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бу ерда йилига 100 минг погон метр конвейер лентаси, қишлоқ хўжалиги техникаси учун 200 мингта шина, 3 миллион дона автомобиль шинаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Мазкур йирик sanoat корхонаси мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида ишга туширилиши қайд этилди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши 1 минг 200 иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Ангрен ИЭСда 2016 йилнинг август ойида ишга туширилган янги энергия блокинни кўздан кечирди. Замонавий технологиянинг жорий этилиши натижасида йилига 1 миллион тонна кўмирдан самарали фойдаланишга эришилади ва бу орқали 840 миллион кВт/соат электр энергияси ва 423 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Янги энергия блокиннинг ишга туширилиши ёқилғи сарфини камайтириш, атмосферага газ чиқиндилари чиқишини сезиларли равишда қисқартиришни таъминлайди.

Шавкат Мирзиёев “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти фаолияти, Ангрен кўмир конида ёқилғи қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари, бу ерда амалга оширилаётган техник қайта жиҳозлаш жараёни билан ҳам танишди.

Жорий йил бошидан буён конларни қазиб ишлари ҳажми 15,4 миллион куб метрдан ошди, 2,6 миллион тонна кўмир қазиб олинди. 2016 йилнинг охиригача кўмир қазиб ҳажмини 3,7 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Танишув жараёнида мазкур sanoat корхоналари учун ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мутахассисларнинг етакчи хорижий компанияларда малака оширишини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Ангрен шаҳрида амалга оширилаётган ободонлаштириш, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини кузги мавсумига тайёрлаш ишлари билан танишди. Хусусан, мактабгача таълим муассасаси, деҳқон бозорини бориб кўрди.

Учрашувларда аҳоли учун қулай яшаш шароитларини, ижтимоий инфратузилмани янада такомиллаштириш, коммунал хизматларни яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, замонавий истироҳат ва дам олиш зоналарини барпо этиш лойиҳаларини амалга оширишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ангрен шаҳри раҳбарлари ва фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда Тошкент вилоятини ижтимоий-иқти-

содий ривожлантириш соҳасида йирик лойиҳаларни бошлаб берган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг фаолияти, улкан хизматлари алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги “2016-2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори пойтахт вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда Ангрен шаҳри ижтимоий инфратузилмасини модернизациялаш масалалари таҳлил этилди. Шаҳар ҳокими, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи давомида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги экин ишларининг бориши билан ҳам танишди. Фермерлар, соҳа ходимлари билан учрашув чоғида қишлоқ хўжалиги ишларини қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш масаласи атрофида муҳокама этилиб, тегишли топширик ва тавсиялар берилди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири

Янги қонун кучга кирди

НАВҚИРОН АВЛОД
ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

“Туркистон” саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг тарғиботида бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим фидоийлари, маънавий тарғиботчилари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Шодмонов, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Т.Мадумаров, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Фаниев ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг келажаги йўлида доимий гамхўрлик кўрсатишнинг миллий тизими асос солинганлиги таъкидлади. Мазкур қонун ҳам Биринчи Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда яратилган миллий қонунчилик тизими — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим, бола ҳуқуқларининг кафолатлари, васийлик ва ҳомийлик, жисмоний тарбия ва спорт, вояга етмаганлар ҳуқуқларига оид қонунларда, 300 га яқин ҳуқуқий-меъририй ҳужжатда ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси, таълим-тарбияси, касб-хунар эгаллаши, меҳнат бандлиги, жисмоний, ижодий-интеллектуал салоҳиятининг камол топишига дахлдор долзарб масалалар акс эттирилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ёшларга чексиз меҳр кўрсатиш, болалар саломатлиги ҳақида қайғуриш, давлат бюджетидан таълимга тобора кўпроқ маблағ йўналтириш, ўқув жараёнига инновацион янгилликларни кенг жорий этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя каби кўрсаткичлар бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар сафидан ўрин олган.



қўламини янада кенгайтириш, бу борада ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни кучайтиришда янги уфқларни белгилаб беради. Тўрт боб, ўттиз уч моддадан иборат мазкур ҳужжат очкилик, қонун ижросида ёшларнинг фаол иштироки, уларнинг эзгу ташаббусларига қанот бериш, маънавий-ахлоқий, маданий кадрларнинг устуворлиги каби тамойилларга таянади. Қонунда ҳуқуқмат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари, меҳнат, адлия, ички ишлар, мудофаа, прокуратура идоралари, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларига тааллуқли ваколатлар аниқ белгиланган. Мазкур ҳужжатда ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг, уларга оид ижтимоий ҳимоя кафолатлари,

тадбиркор йигит-қизлар, истеъдод соҳибларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг механизмлари мустақамлаб қўйилган.

— Ҳар бир мамлакатнинг истиқболи уларда камол топаётган ёшлар билан бевоқифлик, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пулатова. — “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани ўғил-қизларнинг таълим олиши, бандлигини таъминлаш, уларни ватанпарвар, юртга садоқатли, фаол фуқаролик позициясига эга шахс этиб тарбиялашдаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришда, бу йўналишдаги ишларнинг давр руҳига ҳамоханг йўлга қўйишда янги имкониятлар очади.

Иштирокчиларнинг мазкур қонунга оид саволларига мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

